

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Psi.01.07 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУСИНОВА РУХШОНА ЮНУСОВНА

**БЎЛАЖАК ПЕДАГОГЛАРДА КРЕАТИВ ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШНИ
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
Доктора философии (PhD) по психологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
psychological sciences**

Муסיнова Рухшона Юнусовна

Бўлажак педагогларда креатив ўз-ўзини бошқаришни шакллантиришнинг
ижтимоий-психологик хусусиятлари3

Муסיнова Рухшона Юнусовна

Социально-психологические особенности формирование креативной
саморегуляции у будущих педагогов.....23

Musinova Ruxshona Yunusovna

Socio-psychological features formation of creative self-regulation future
teachers.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications.....47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Psi.01.07 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУСИНОВА РУХШОНА ЮНУСОВНА

**БЎЛАЖАК ПЕДАГОГЛАРДА КРЕАТИВ ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШНИ
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Psi69 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ((psi-ik.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мухамедова Дилбар Гафурджановна
психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Уразова Марина Ботировна
педагогика фанлари доктори, профессор

Кудратуллаева Рухсора Бахтияровна
психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Чирчиқ давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Psi.01.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4 уй. ЎзМУ, Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (+99871) 246-52-74/факс: (+99871) 246-53-21, (+99871) 246-02-04, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Бош ўқув биноси, “В” қисм, 2-қават, 217-хона. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 20___ йил «___» _____ куни тарқатилди.
(20___ йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Р. Баратов

Илмий даражалар берувчи
илмий Кенгаш раиси
ўринбосари, психол.ф.д.,
профессор

Ў.Б. Шамсиев

Илмий даражалар берувчи
илмий Кенгаш котиби,
психол.ф.н., доцент

Н.С. Сафаев

Илмий даражалар берувчи
илмий Кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, психол.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва муҳимлиги. Бугунги кунда дунёда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар ва таълим тизимларининг интеграциялашуви тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Дунё бўйича таълимга ажратиладиган йиллик маблағ ички ялпи даромаднинг 3-5%дан ошмайди¹. Барқарор ривожланиш мақсадларига етказувчи фаолият сифатида ҳар бир давлатда юқори малакали кадрлар тайёрлаш учун янада самарали шароитлар яратиш, таълимни янги ностандарт ғоялар ва уларни амалиётга татбиқ этишнинг ўзига хос усулларини ишлаб чиқишга қодир, мустақил фикрлайдиган, рақобатбардош мутахассисларга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Шу жиҳатдан бугунги кунда педагогика соҳасида таълим билан шуғулланувчи бўлажак педагогларда креатив ўз-ўзини бошқаришни шакллантириш ва ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда таълим соҳасидаги ҳозирги муҳим мақсадларга эришишда бўлажак педагогларда креатив ўз-ўзини бошқаришни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари бўйича устувор йўналишлар белгилаб берилган. Бу борада психология доирасида, биринчи навбатда, педагог шахси ва унинг субъект фаолиятини ўрганишга қаратилган қатор илмий тадқиқотларнинг амалга оширилиши кузатилмоқда. Шу билан бир қаторда педагогика соҳасида олий таълим муассасалари талабаларига таълим бериш билан шуғулланувчи мутахассислар учун муҳим ўрин тутувчи педагогик фаолиятда субъектнинг ўз-ўзини бошқариш фаоллигига доир психологик тадқиқотларни ошириш бўйича кўплаб илмий изланишлар муҳим ўрин эгаллайди. Шу нуқтаи назардан бўлажак педагогларда креатив ўз-ўзини бошқаришни шакллантириш ва ривожлантириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Республикамизда ўз-ўзини бошқаришга доир кўплаб психологик тадқиқотлар олиб борилганлигига қарамадан, бўлажак педагогларни тайёрлаш жараёнида креатив ўз-ўзини бошқаришни шакллантириш ва ривожлантириш масаласи махсус тадқиқот предмети бўлмаган. Шунингдек, психологияда креатив ўз-ўзини бошқариш структураси, мазкур ҳодисани шакллантириш ва ривожлантириш усулларини очиб берадиган тадқиқотлар деярли учрамайди. Ҳаракатлар стратегиясида “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”² устувор вазифа этиб белгиланди. Бу борадаги вазифалар психология соҳасида таълим билан шуғулланувчи бўлажак педагогларда креатив ўз-ўзини бошқаришни шакллантириш ва ривожлантиришига хизмат қилади.

¹ https://www.uz.undp.org/content/dam/uzbekistan/docs/Publications/human-development/human-development-textbook/HDtextbook_01.pdf

² “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”, 2019 йил 11 июлдаги ПФ-5763-сон “Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, таълимнинг узвийлик ва узлуксизлигини, баркамол авлод тарбиясини шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ушбу диссертацион ишнинг илмий-методологик асоси ҳисобланади.

Тадқиқ этилаётган масала бўйича ўтказилган илмий адабиётлар таҳлилининг кўрсатишича, олимларнинг аксарият тадқиқот ишлари педагогик фаолиятга касбий тайёрлаш (Э.Ф. Ғозиев¹, Р.С. Самаров, Б.Р. Кадиоров, Д.Г. Мухамедова, Ш.Абдуллаева, Р.Б. Кудратуллаева, Р.Б. Абдурахманова, Ю.М. Асадов ва б.қ.)², педагог ва таълим олувчи ўртасидаги ўзаро муносабатлар-нинг психологик хусусиятлари (Д.Г. Мухамедова³, А.А. Бекназаров, А.А. Закиров ва б.қ.)⁴, педагогик фаолиятни бошқариш (Рубинштейн Л.С.⁵, Б.А. Белов, У.Н. Осницкий, У.А. Кондратьев ва б.қ.), педагогик креативлик (Х.Р. Лыков, Р.А. Строгалева, Д.В. Чернилевский ва б.қ.)ни ўрганишга бағишланган.

Таълим фаолиятида ўз-ўзини бошқариш, креативликка бағишланган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг қуйидаги етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари: Бостон шимоли-шарқий университет (Northeastern University Boston, США), Мюнхен университети (LMU, Германия), Риджентс университети (Regents University, Буюк Британия), Москва давлат университети (Ломоносов номидаги МДУ, Россия), Сеул давлат

¹ Ғозиев Э.Ф. Муомала психологияси: Ўқув қўлланма. – Т.: Университет, 2001. – 139 б.

² Ғозиев Э.Ф. Касб психологияси: Ўқув қўлланма. – Т.: Тошкент Давлат Аграр университети, 2003. – 156 б.

³ Мухамедова Д.Г. Автореферат доктор психологические наук// Таълим менежерини инновацион фаолиятга тайёрлашни ижтимоий-психологик технологияларини такомиллаштириш 2015 й. – 26 бет.

⁴ Ғозиев Э.Ф. Ўзбек халқининг этнопсихологияси ва бола тарбияси //Ўзбек оиласининг этнопсихологик муаммолари. – Респ. Илмий-амалий анжумани маърузалари қисқача баёни. – Т., 1993. – Б. 8-9.

⁵ Рубинштейн Л.С. Проблемы общей психологии. М., 1973. 424 с.

университети (Seoul National University, Жанубий Корея), Хитой Миллий педагогик тадқиқотлар маркази (NIES, Гуанжоу) ва б.қ. томонидан олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, бўлажак педагогларда креатив ўз-ўзини бошқаришни ўрганишга бевосита бағишланган тадқиқотлар олиб борилмаган. Шу тариқа, тадқиқ этилаётган масаланинг ижтимоий аҳамияти, психологик-педагогик амалиёт эҳтиёжи, етарлича илмий ишланмаганлиги мазкур диссертацион иш мавзусининг танланишига асос бўлди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.

Диссертацион иш Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқотлар режалари доирасида бажарилган бўлиб, Психология кафедрасининг илмий-тадқиқот фаолияти вазифаларида ҳамда қуйидаги илмий лойиҳада ўз аксини топган: “ОТ-А1-103 – Олий таълим тизими ходимларини инновацион ижтимоий-психологик фаолиятга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик механизмларини ишлаб чиқиш (хориж тажрибаси асосида) номли лойиҳа доирасида олиб борилди.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак педагогларни креатив ўз-ўзини бошқаришнинг ижтимоий-психологик воситалари асосида шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

педагогик фаолиятда креатив ўз-ўзини бошқариш тадқиқотининг назарий-методологик асослари таҳлилни ўтказиш;

психология фанида креатив ўз-ўзини бошқариш тушунчаси моҳиятини очиб бериш;

педагогик фаолиятда креатив ўз-ўзини бошқаришнинг аҳамияти ва функционал структурасини аниқлаш;

замонавий педагогнинг креатив ўз-ўзини бошқариши структур-функционал моделини тадқиқ қилиш;

креатив ўз-ўзини бошқаришнинг шаклланиши ва ривожланиши методологик ёндашувларини ўрганиш;

креатив ўз-ўзини бошқаришнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёни мазмунини очиб бериш;

креатив ўз-ўзини бошқаришнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёни самарадорлигини текшириш.

Тадқиқот объекти. СамДУ ва ЎзМУ педагогик йўналишлари бакалавриати 264 нафар талабалари. Юқорида келтирилган хусусиятларни эксперт баҳолаш учун 25 ёшдан 59 ёшгача бўлган олий таълим муассасаларида педагогик фаолият олиб борувчи 247 нафар турли иш стажига эга бўлган эксперт (педагоглар) жалб қилинган.

Тадқиқот предмети. Креатив ўз-ўзини бошқаришнинг шаклланиш ва ривожланишининг ижтимоий-психологик хусусиятлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган мақсад ва шакллантирилган вазифаларни амалга оширишга эришиш учун бир қатор назарий ва эмпирик тадқиқот методлари қўлланди (илмий адабиётларнинг назарий таҳлили,

ҳужжатлар таҳлили, эксперт баҳоси, сўров, маълумотларни қайта ишлашнинг математик-статистик методлари). Мазкур диссертацион иш доирасида эмпирик тадқиқот давомида қуйидаги методикалардан фойдаланилди: Е.Е.Туникнинг шахс креатив ўз-ўзини башқаришни диагностика қилиш методикаси, В.Ф.Ряховскийнинг коммуникатив структур-функциясини диагностикаси учун мулоқотмандлик ва коммуникативлик тести, И.Л.Высоцкийнинг ўқитувчини аналитик қобилиятини аниқловчи анкетаси, М.Рокичнинг кадриятларга йўналганликни ўрганувчи тест сўровномаси; бўлажак педагогларнинг креатив ўз-ўзини бошқариши ривожланиш даражаси, шунингдек, тренинг дастури самарадорлигини баҳолаш учун ишлаб чиқилган сўровнома; коррекцион ишлар хусусияти, тренинг дастури самарадорлиги баҳосини тадқиқ қилиш учун ишлаб чиқилган ўз-ўзига ҳисоб мазмунини ўрганиш учун ишлаб чиқилган тренинг дастури.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлажак педагогларда креатив ўз-ўзини бошқаришни шакллантиришнинг “креатив”, “аналитик”, “коммуникатив”, “кадриятли” каби хусусиятлари аниқланган;

креатив ўз-ўзини бошқаришнинг самарали шаклланиши ва ривожланишида “субъектлик”, “назариянинг амалиёт билан алоқаси”, “шахсий мақсад” ҳамда “касбий функция”лар психологик-дидактик принциплар сифатида асосланган;

креатив ўз-ўзини бошқаришнинг шаклланиши ва ривожланиш жараёнига таъсир этувчи “тизимли”, “фаолиятли”, “праксеологик”, “аксиологик”, “методологик” компонентлари эмпирик маълумотлар асосида аниқланган;

креатив ўз-ўзини бошқаришнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида креатив мақсадларни танлаш, индивидуал ижодий, креатив имкониятларни англаш, ҳаракатларнинг таркиби ва изчиллиги тўғрисида тасаввурларни шакллантириш самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасаси замонавий педагоги креатив ўз-ўзини бошқаришининг структур-функционал хусусиятларини баҳолаш учун эксперт сўровномаси ишлаб чиқилган;

бўлажак педагогларда креатив ўз-ўзини бошқаришнинг ривожланиш даражасини баҳолаш учун сўровномаси тақдим этилган;

олий таълим муассасаси замонавий педагоги креатив ўз-ўзини бошқаришининг шаклланиши ва ривожланиши учун самарали тренинг дастури ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацион тадқиқотнинг мувофиқ методологик асоси, адекват инструментарий ёрдамида креатив ўз-ўзини бошқаришни ўрганиш, тадқиқот танловини шакллантириш, таққослаш гуруҳи, психологияда қабул қилинган мезонлар ёрдамида олинган эмпирик натижалар таҳлили (Стьюдентнинг статистик t-мезони бўйича экспериментал ва назорат гуруҳларида ўртача аҳамият тенглиги таҳлили), Excel, Statistica

дастур воситалари ва тадқиқот натижаларининг таҳлил қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўрганилаётган ходиса ҳақида илмий тасаввурни ҳосил қилувчи ва аниқлаштирувчи, психодиагностикага илмий ёндашиш имконини берувчи, бўлажак педагогларда креатив ўз-ўзини бошқаришни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнини очиб берувчи замонавий педагогнинг креатив ўз-ўзини бошқариш структур-функционал модели ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади. Креатив ўз-ўзини бошқаришнинг очиб берилган моҳияти ва тушунчаси, педагогик фаолиятда унинг аҳамияти, шунингдек, ишлаб чиқилган инструментарий (креатив ўз-ўзини бошқаришнинг структур-функционал хусусиятларини баҳоловчи эксперт сўровномаси, креатив ўз-ўзини бошқаришнинг ривожланиш даражасини баҳоловчи сўровнома, бўлажак педагогларда ўз-ўзига ҳисобот мазмуни) мазкур ходиса бўйича кейинги илмий тадқиқотлар доирасида қўлланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти педагогика касбидаги олий таълим муассасалари талабаларида креатив ўз-ўзини бошқаришни шакллантириш ва ривожлантириш учун тайёрланган самарали тренинг дастурини қўллаш имконияти билан белгиланади. Бундан ташқари, диссертация иши натижаларидан бўлажак педагогик кадрларни ўқитиш учун маъруза ва амалий машғулотларни тайёрлаш жараёнида қўлланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Бўлажак педагогларда креатив ўзини-ўзи бошқаришни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганиш бўйича амалга оширилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

бўлажак педагогларда креатив ўз-ўзини бошқаришни шакллантиришнинг “креатив”, “аналитик”, “коммуникатив”, “қадриятли” каби хусусиятлари аниқланганлигига доир илмий натижалар Психология ўқув-илмий марказидаги психологларнинг педагоглар билан ишлаш фаолиятида татбиқ қилинган (Психология ўқув-илий марказининг 2019 йил 13 ноябрдаги П-М-11^а-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак педагогларда креатив ўз-ўзини бошқаришни шакллантириш ва илмий жиҳатдан талқин қилишга ёрдам берган;

креатив ўз-ўзини бошқаришнинг самарали шаклланиши ва ривожланишида “субъектлик”, “назариянинг амалиёт билан алоқаси”, “шахсий мақсад” ҳамда “касбий функция”лар психологик-дидактик принциплар сифатида асосланганлигига доир илмий янгиликлар Психология ўқув-илмий марказидаги психологлар фаолиятида татбиқ қилинган (Психология ўқув-илий марказининг 2019 йил 13 ноябрдаги П-М-11^а-сон маълумотномаси). Натижада бу психолог кадрлар тайёрлаш ўқув курсида креатив ўз-ўзини бошқаришнинг самарали шаклланиши ва ривожланишини таъминлашга хизмат қилган;

креатив ўз-ўзини бошқаришнинг шаклланиши ва ривожланиш жараёнига таъсир этувчи “тизимли”, “фаолиятли”, “праксеологик”, “аксиологик”, “методологик” компонентлари илк маротаба илмий жиҳатдан аниқланганлигига доир эмпирик маълумотлар Психология ўқув-илмий марказидаги психологларнинг педагоглар билан ишлаш фаолиятида татбиқ қилинган (Психология ўқув-илий марказининг 2019 йил 13 ноябрдаги П-М-11^а-сон маълумотномаси). Натижада бу Марказ психологларига креатив ўз-ўзини бошқаришнинг шаклланиши ва ривожланиш жараёни самарадорлигини оширишга ёрдам берган;

креатив ўз-ўзини бошқаришнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида креатив мақсадларни танлаш, индивидуал ижодий, креатив имкониятларни англаш, ҳаракатларнинг таркиби ва изчиллиги тўғрисида тасаввурларни шакллантириш самарадорлиги исботланганлигига оид илмий хулосалар Психология ўқув-илмий марказидаги психологларнинг креатив ўз-ўзини бошқаришнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида креатив мақсадларни танлаш фаолиятида татбиқ қилинган (Психология ўқув-илий марказининг 2019 йил 13 ноябрдаги П-М-11^а-сон маълумотномаси). Натижада бу психодиагностик текширувлар асосида шакллантирилган психологик тавсифномалар тузиш сифати ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилган;

креатив ўз-ўзини бошқаришнинг самарали шаклланиши ва ривожланишида “субъектлик”, “назариянинг амалиёт билан алоқаси”, “шахсий мақсад” ҳамда “касбий функция”лар психологик-дидактик принциплар сифатида асосланганлиги доир маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг назария ва амалиёт билан боғлиқ фаолиятида татбиқ қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 11 декабрдаги № 89-03-4851-сонли маълумотномаси). Натижада педагогик фаолият хусусиятларини ўрганиш педагог ҳаёт фаолиятидаги креатив ўз-ўзини бошқаришнинг роли ва аҳамиятини баҳолаш имконини оширган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 8 та республика журнал ва илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Диссертацион иш Самарқанд давлат университети Ижтимоий фанлар факультети Психология кафедраси мажлисида (2019 йил 27 июндаги 21-сонли баённома) муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқотнинг асосий натижалари битта монография, иккита услубий кўлланма, ЎзР ОАҚи томонидан тавсия этилган 8 та журналда (шулардан 2 таси хориж журналида) чоп этилган. Шунингдек, тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 3 та республика конференция материаллари тўпламида ўз аксини топган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертацион иш кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертацион ишнинг долзарблиги асосланган, илмий-тадқиқот ишлари режа мавзулари билан боғлиқлиги кўрсатиб берилган, унинг ўрганилиш даражаси таҳлили келтирилган, диссертацион тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предмети келтирилган, қўлланилган методлар, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, шунингдек, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Педагогик фаолиятда креатив ўз-ўзини бошқариш тадқиқотининг назарий-методологик асослари”** деб номланган **биринчи бобида** психологияда креатив ўз-ўзини бошқариш моҳияти ва тушунчаси, педагогик фаолиятда унинг аҳамияти, ўрганилаётган ҳодисанинг функционал тузилиши ёритилган.

Ўрганилаётган масала бўйича илмий адабиётлар таҳлилининг кўрсатишича, креатив ўз-ўзини бошқариш тушунчаси жуда долзарб ва нисбатан янги ҳисобланади, турлича талқин қилинади, шунингдек, кўп қирралидир. Ўрганилаётган ҳодисанинг моҳиятини ҳисобга олиб, креативлик деганда икки таркибий асосдан келиб чиққан ҳолда педагог муайян муаммоларни ҳис қилиши ва кўрсатиб бериши, шунингдек, уларнинг ечими бўйича оригинал ғояларни яратишини таъминловчи индивидуал-психологик хусусиятларнинг муайян мажмуини тушуниш мақсадга мувофиқдир. Педагогнинг мустақил ва ўз-ўзини бошқарувчи тадқиқот фаолияти, кундалик ҳаётдаги ноаниқ, кўпинча мураккаб вазиятларда ўзининг оригинал қарорларини қабул қилишга тайёрлиги креативликни белгиловчи муҳим хусусият ҳисобланади. Ўз навбатида, ўз-ўзини бошқариш деганда педагогнинг юзага келган вазиятни ҳисобга олиб, мақсадга эришиш учун ўз фаолияти коррекциясини амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлари, мотивлари, ҳис-туйғулари асосида англашга қаратилган жараённи тушуниш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, мазкур жараён моҳияти педагог томонидан белгиланган мақсадларга эришишни таъминловчи мақсадга йўналтирилган фаолиятини онгли тарзда тартибга солишда очиб берилади.

Педагогик фаолият хусусиятларини ўрганиш педагог ҳаёт фаолиятидаги креатив ўз-ўзини бошқаришнинг роли ва аҳамиятини баҳолаш мураккаб эканлигини кўрсатади. Шундай қилиб, педагогик фаолият “педагог-таълим олувчи”нинг фаол ўзаро алоқалари, тизимни шакллантирувчи муносабатлари, ижодкор шахсни ривожлантиришга қаратилган янги педагогик технологиялар билан бойитилгани, шунингдек, педагогдан муаммоларни ҳал қилишда ностандарт, креатив ёндашувларни талаб қилувчи вазифалари билан характерланади. Бу ҳолатлар педагогик иш шароитлари билан боғлиқ ҳолда келиб чиқадиган ортиқча руҳий зўриқиш, стресс омиллари мавжудлигига сабаб бўлади. Буларнинг барчаси педагогдан ўқув жараёнини ижодий жараён сифатида ташкил этиш ва ўтказишга оид янги, ноанъанавий, оригинал ёндашувларни, мувофиқ ўзаро ҳамкорликни ташкил этишга қаратилган ўз ҳис-туйғулари, хатти-ҳаракатлари, феъл-атворини доимий равишда назорат қилиш ва бошқаришни талаб этади. Шу билан

боғлиқ равишда, креатив ўз-ўзини бошқариш педагогик фаолиятнинг муҳим функционал элементи, педагогик такомиллашнинг ҳаётий зарур таркибий компоненти сифатида юзага чиқади ва умуман замонавий олий педагогик таълим назарияси ва методикаси учун умумий базавий инвариант тарзида ифодаланади.

Креатив ўз-ўзини бошқариш таркибини тадқиқ қилиш шуни кўрсатадики, мазкур ходисани самарали, бироқ етарлича мураккаб механизм сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқдир, чунки у орқали фаоллаштириш ва педагогни долзарб педагогик муаммоларни олдиндан кўра билишга, уларни ҳал этишда янги оригинал усулларни ишлаб чиқишга йўналтирилади. Турли тадқиқотчиларнинг назарий фикрларини умумлаштириб, креатив ўз-ўзини бошқаришнинг қуйидаги умумлаштирилган структур-функционал блокларини ажратиш мумкин:

биринчи блок педагогнинг асосан педагогик тасаввурлари, установакалари, мақсадларини ўз ичига олган қадрият тизимини акс эттиради. Бундан ташқари, мазкур блокка педагог томонидан англашган ахлоқий тушунчалар, умуммаданий ва касбий-педагогик қадриятлар, шахсга ва педагогик фаолиятга бўлган касбий талабларни ҳам киритиш мақсадга мувофиқдир, улар янги оригинал ғоялар, касбий такомиллашни ишлаб чиқишга йўналтирилган мутахассиснинг ижтимоий ва билиш фаоллигини рағбатлантиради;

иккинчи блок педагогнинг ўз-ўзини таҳлил қилиш тизимини қамраб олган бўлиб, у одатда, педагогнинг ўз-ўзини англашга қаратилган қобилиятлари, одатларини, уларнинг индивидуал-психологик хусусиятларини таҳлил қилиш, турли педагогик вазиятлардаги хатти-ҳаракатларини қиёсий таҳлил қилишни ўз ичига олади. Бундан ташқари, ушбу блокка педагог ўз тажрибасини бошқа мутахассислар тажрибаси билан солиштириши, ўз педагогик фаолиятининг ижобий ва салбий томонларини англаш, креатив ёндашувлар, баҳо ва ўз-ўзини баҳолаш, янги оригинал ғоялар, касбий такомиллашни ишлаб чиқишга кўмак берувчи хусусиятларни ажратишни киритиш мақсадга мувофиқдир;

учинчи блок коммуникатив-бошқарув соҳасини акс эттиради, бу эса, одатда, турли коммуникатив вазиятларда етарлича қулай, самарали мулоқот, ўзаро таъсир, теран жавоб бериш қобилиятида ифодаланади. Бундан ташқари, ушбу блокка янги оригинал ғояларни ишлаб чиқиш, ўз ҳис-туйғуларини англаш, ўзининг шахслараро ўзаро таъсирини бошқаришга йўналтирилган педагогнинг эмоционал барқарорлиги, қўллаб-қувватлашини намоён қилувчи қобилиятларини киритиш мақсадга мувофиқдир;

тўртинчи блок асосан педагогнинг креативлигини, фаолиятга ижодий ёндашувни, янги, оригинал ғояларни ишлаб чиқиш, уларни педагогик амалиётда мужассамлаштириш қобилиятини акс эттиради. Бундан ташқари, мазкур блокка янги оригинал ғояларни ишлаб чиқиш, ўз ҳаракатлари мақсадини англаш, олинган натижани ҳисобга олишга қаратилган педагогнинг ўз-ўзини назорат қилиш қобилиятини киритиш мақсадга мувофиқдир.

Диссертациянинг “Замонавий педагогнинг креатив ўз-ўзини бошқариши структур-функционал модели” деб номланган иккинчи бобида моделлаштириш жараёни хусусиятлари ўрганилган, замонавий педагогнинг креатив ўз-ўзини бошқаришининг структур-функционал блоклари ажратилган.

Олиб борилган тадқиқотнинг кўрсатишича, креатив ўз-ўзини бошқариш моделини тайёрлашда тизимли ёндашув қоидаларини қўллаш мақсадга мувофиқдир, чунки у ҳодисаларни муайян яхлитликда ўрганиш, миқдорий ва сифатли параметрларни аниқлаш ҳамда тартибга солиш, таркибий элементларнинг алоқа усулини тизимли хусусияти орқали аниқлаш, таркибий қисмларни кўриб чиқиш, уларнинг ҳар бирини тизимли таҳлилнинг автоном объекти сифатида кўриб чиқиш, тизимли сифатларни изчил кўриб шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий имкониятини аниқлашни назарда тутади. Бунда замонавий педагогнинг креатив ўз-ўзини бошқариш хусусияти ўрганилаётган ҳодисани рефлексив йўналган масалалар долзарблиги, иродавий интилишлар, педагог фаоллигини ҳисобга олган ҳолда моделлаштиришни таъминлайди, чунки бу замонавий педагогик фаолият хусусиятлари универсаллиги, креатив ўз-ўзини бошқаришнинг тизимли ва интегратив хусусияти, ижтимоий-психологик ҳодисалар нуқтаи назаридан креатив ўз-ўзини бошқаришнинг структур-функционал хусусиятларини шакллантириш ва ривожлантиришни назарда тутади.

Замонавий педагогнинг креатив ўз-ўзини бошқариши структур-функционал моделини тайёрлаш мақсадида эксперт баҳоси ташкиллаштирилди. Уни ўтказишда олий таълим муассасаларида касбий фаолиятини олиб бораётган эркак ва аёл педагоглардан 35 ёшдан 59 ёшгача бўлган 247 та эксперт жалб қилинди (1-жадвал).

Эксперт баҳоси олдиндан тайёрланган сўровнома асосида ўтказилди. Креатив ўз-ўзини бошқаришнинг олдиндан ажратилган структур-функционал блоклари доирасидаги 40 хусусиятни бирлаштирган ушбу сўровнома замонавий педагогнинг креатив ўз-ўзини бошқариши структур-функционал ифодаловчи 32та энг аҳамиятли хусусиятни (юқори ва ўрта даражадаги мувофиқлик) аниқлаш имконини берди.

1-жадвал

Олий таълим муассасаси замонавий педагоги креатив ўз-ўзини бошқаришининг структур-функционал хусусиятларини эксперт баҳолаш танлови тавсифи (n=247)

Ёш	Аёллар		Эркаклар		Жами	
	миқдори	%	миқ.	%	миқ.	%
25 ёшдан 30 ёшгача	7	2,8	8	3,2	15	6,1
31 ёшдан 35 ёшгача	12	4,9	14	5,7	26	10,5
36 ёшдан 40 ёшгача	28	11,3	25	10,1	53	21,5
41 ёшдан 45 ёшгача	23	9,3	24	9,7	47	19,0
46 ёшдан 50 ёшгача	25	10,1	25	10,1	50	20,2
51 ёшдан 55 ёшгача	16	6,5	15	6,1	31	12,6
56 ёш ва ундан катта	11	4,5	14	5,7	25	10,1
Жами	122	49,4	125,0	50,6	247	100,0

Мувофиқликнинг паст даражасини ифодаловчи эксперт баҳолари таҳлили замонавий педагогнинг креатив ўз-ўзини бошқаришини структур-функционал таркиб топтирувчи сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлмаган 8 та кам аҳамиятли хусусиятларни аниқлаш имконини берди.

Моделлаштиришнинг методологик принципларини аниқлаш, эксперт сўровидан олинган натижалар замонавий педагогнинг креатив ўз-ўзини бошқариши структур-функционал моделини яратиш имконини берди.



1-расм. Замонавий педагог креатив ўз-ўзини бошқаришининг структур-функционал модели

Моделнинг асосини тўрт структур-функционал блоклар билан бирлаштирилган 32та энг аҳамиятли хусусиятларни ташкил этди, уларнинг номи таркибий тузилишидан келиб чиқади: 8 аҳамиятли хусусиятни бирлаштирувчи креатив структур-функционал блок (7,5 эксперт балли); 8 аҳамиятли хусусиятни бирлаштирувчи коммуникатив структур-функционал блок (7,1 эксперт балли); 7 аҳамиятли хусусиятни бирлаштирувчи аналитик структур-функционал блок (6,9 эксперт балли); 9 аҳамиятли хусусиятни бирлаштирувчи қадриятли структур-функционал блок (6,9 эксперт балли) (1-расм).

Педагогнинг креатив ўз-ўзини бошқариши моделининг ички тузилиши бўйича ўтказилган таҳлилнинг кўрсатишича, аксарият тадқиқотчилар мувофиқ хусусиятлар, ажратилган структур-функционал блоклар мақбуллиги, шунингдек, уларнинг таркибий тўлдирилишини акс эттирувчи номлар эксперт ажратишнинг аҳамиятли эканлигини тасдиқлайди.

Диссертациянинг **“Бўлажак педагогларда креатив ўз-ўзини бошқаришнинг шаклланиши ва ривожланиши”** деб номланган учинчи боби креатив ўз-ўзини бошқаришнинг шаклланиши ва ривожланишидаги методологик ёндашувларни белгилаш, мазкур жараёни, шунингдек, унинг самарадорлигини текширишни ёритишга бағишланган.

Олиб борилган тадқиқотнинг кўрсатишича, мазкур диссертацион иш доирасида креатив ўз-ўзини бошқаришнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида тизимли, фаолиятли, праксеологик, аксиологик методологик ёндашувларга асосланиш мақсадга мувофиқдир. Бу жиҳатдан тизимли ёндашув креатив ўз-ўзини бошқаришнинг алоҳида элементлари мажмуини эмас, балки бўлинган бутунлик, яъни ажратилган структур-функционал блоклар таҳлилини ҳисобга олишни назарда тутди. Фаолиятли ёндашув бўлажак педагог шахсининг нафақат креатив ўз-ўзини бошқариш доирасида намоён бўладиган, балки фаолият жараёнида шаклланадиган, ривожланадиган индивидуал хусусиятларни назарда тутди. Практик методологик ёндашув фаолият проекцияси сифатида асоси назарий билимлар ва эмпирик тажриба ҳисобланадиган ҳаракатларни самарали бошқаришни ўз ичига олади. Аксиологик ёндашув кадриятли соҳани фаоллаштириш, таълим олувчиларни ўз-ўзини ташкиллаштириши ва ўз-ўзини ривожлантиришида очиб берилди.

Креатив ўз-ўзини бошқаришнинг самарали шаклланиши ва ривожланиши учун касбий йўналганлик, назариянинг амалиёт билан алоқаси, илмийлиги, очиқлик, тизимлилик ва изчиллик, индивидуализация ва дифференциация, оптимизация, анланганлик, мустақиллик ва фаоллик, эмоционаллик, субъектлик, шахсий мақсад, кадриятли ориентация, касбий функцияларнинг мураккабланишини акс эттирувчи психологик-дидактик ва махсус принципларда очиладиган қатор талабларга риоя қилиш мақсадга мувофиқдир. Креатив ўз-ўзини бошқариш жараёнида креатив мақсадларни танлаш ва анлаш, индивидуал ижодий, креатив имкониятларни анлаш ва ҳисобга олиш, ҳаракатлар стукрутурси ва изчиллиги тўғрисида тасаввурларнинг шаклланиши, ҳаракатлар ва натижаларни баҳолаш меъёрлари ва мезонларини ишлаб чиқиш, креатив мақсадларга эришиш учун дастурларни тузишни ўз ичига олувчи шартли, изчил ҳаракатлар кўринишида тасаввур қилиш мумкин. Бунда турли тадқиқотчилар психологик ҳодисаларнинг психокоррекцияси ва психопрофилактикаси бўйича методикаларни кенг қўллашнинг ҳисобга олиб, бўлажак педагогларда креатив ўз-ўзини бошқаришни шакллантириш ва ривожлантиришни тренинг шаклида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, мавжуд психотехник ишланмалар таълим олувчиларнинг ёш ва таълим хусусиятларига мослашишини ҳисобга олган ҳолда қўлланади.

Бўлажак педагогларда креатив ўз-ўзини бошқариш шаклланиши ва ривожланиши жараёнида методологик ёндашувларни аниқлаш амалиётда кенг қўлланилувчи танланган ва модификацияланган машқлар, усул ва техникалар, янги, махсус яратилган элементларни ўз ичига олган махсус тренинг дастурини яратиш имконини берди. Тренинг дастури қоида бўйича ҳафтада бир марта ўтказиладиган 11 гуруҳли факультатив машғулотлар шаклида тайёрланди. Қўйилган мақсадга эришиш, ишлаб чиқилган вазифаларни амалга ошириш учун тренинг дастурининг ҳар бир машғулоти

кириш, асосий ва хулоса қисмларига, бутун амалга ошириладиган жараён эса назарий, эмпирик ва амалий компонентларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, ҳар бир машғулот тренинг дастурининг умумий мақсадига бўйсунувчи мувофиқ вазифаларга эга ва у бўлажак педагогларда креатив ўз-ўзини бошқаришни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган.

Ушбу диссертацион ишнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ, бўлажак педагогларда креатив ўз-ўзини бошқаришни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган тренинг дастурининг самарадорлигини ўрганишга бағишланган эмпирик тадқиқот ташкиллаштирилди ва ўтказилди. Эмпирик тадқиқотда иштирок этиш учун 22 ёшдан 25 ёшгача бўлган 124 талаба жалб қилинди. Олдиндан тайёрланган “Бўлажак педагогларда креатив ўз-ўзини бошқаришни ривожлантириш даражасини баҳолаш сўровномаси” психодиагностик кузатув натижаларига кўра креатив ўз-ўзини бошқаришнинг ўртадан паст даражасини кўрсатди (2-жадвал).

2-жадвал


Креатив ўз-ўзини бошқаришнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёни самарадорлигини аниқлаш бўйича эмпирик тадқиқот танлови тавсифи (n=124)

	Аёллар		Эркаклар		Жами	
	кол	%	кол	%	кол	%
22 ёш	22	17,7	22	17,7	44	35,5
23 ёш	26	21,0	27	21,8	53	42,7
24 ёш	7	5,6	7	5,6	14	11,3
25 ёш	6	4,8	7	5,6	13	10,5
Жами	61	49,2	63	50,8	124	100,0

Бундан ташқари, психодиагностик текширув, тренинг дастурининг самарадорлиги объектив баҳосидан олинган натижаларни таққослаш мақсадида эмпирик тадқиқот танлови қуйидагиларга ажратилди (2-расм):

экспериментал гуруҳ (n=64), респондентлар машғулотларни ўтишга жалб этилди, яъни тренинг дастурида бевосита қатнашишди;

назорат гуруҳи (n=60), респондентлар тренинг машғулотларига жалб этилмаган, яъни мазкур категория олий таълим муассасаси таълим дастурларига мувофиқ тайёргарликдан ўтган.



2-расм. Экспериментал ва назорат гуруҳи тавсифи (n=124)

Тренинг дастурини ўтказиш натижаларига кўра психодиагностик текширув натижалари тайёрланган сўровноманинг диагностик шкалаларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланган алгоритмга мувофиқ қайта ишланди, бу эса коррекцион ишларгача ва ундан сўнг экспериментал гуруҳда ҳам, назорат гуруҳида ҳам талабаларнинг креатив ўз-ўзини бошқариши ривожланишининг ўрта статистик профилини тузиш имконини берди (3-жадвал).

3-жадвал

Таққослаш гуруҳларида тренинг дастурларини ўтказишгача ва ундан сўнг креатив ўз-ўзини бошқариш ривожланишининг ўрта статистик профили (n=124)

	Креатив структур-функционал блок		Коммуникатив структур-функционал блок		Аналитик структур-функционал блок		Қадриятли структур-функционал блок		Умумий балл	
	ўрт. балл	%	ўрт. балл	%	ўрт. балл	%	ўрт. балл	%	ўрт. балл	%
Тренинг дастурларини ўтказишгача										
Экспериментал гуруҳ	13,5	28,1	13,5	28,2	12,3	29,2	15,6	28,8	54,8	28,5
Назорат гуруҳи	13,4	28,0	13,2	27,4	12,2	29,0	15,2	28,2	54,0	28,1
Тренинг дастурлари ўтказилгандан сўнг										
Экспериментал гуруҳ	38,5	80,2	38,4	80,0	32,6	77,6	43,9	81,4	153,4	79,9
Назорат гуруҳи	13,6	28,3	13,4	27,8	12,0	28,6	15,5	28,6	54,4	28,4

Талабаларда креатив ўз-ўзини бошқариш ривожланиши ўрта статистик профилининг қиёсий таҳлили кўрсатишича, ҳам экспериментал, ҳам назорат гуруҳидаги бўлажак педагоглар тренинг дастури ўтказилгунга қадар креатив ўз-ўзини бошқариш ривожланиши даражаси бўйича аҳамиятли фарққа эга бўлмаган ва унинг структур-функционал блоклари Стъудентнинг t-мезони бўйича ҳам статистик тасдиқланади. Шу билан бирга, тренинг дастуридан сўнг талабаларнинг креатив ўз-ўзини бошқариши ривожланиши ўрта статистик профилининг қиёсий таҳлили бошқача натижа кўрсатди. Экспериментал гуруҳдаги респондентлар асосий таркибининг ўртача кўрсаткичлари аҳамиятли даражада яхшиланди, назорат гуруҳидаги респондентлар эса аҳамиятли ўзгаришларсиз қолди, бу Стъудентнинг t-мезони бўйича ҳам статистик тасдиқланади. Шу тариқа, талабаларнинг креатив ўз-ўзини бошқариши ривожланиши ўрта статистик профилининг қиёсий таҳлили корекцион ишлар натижасида экспериментал гуруҳ респондентларидаги позитив ўзгаришларни тасдиқлайди.

